

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВА БАРНО НАРЗУЛЛАЕВНА

**ЎРТА ОСИЁ АЁЛЛАРИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ ТАРИХИЙ
ТАРАҚҚИЁТИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Саидова Барно Нарзуллаевна

Ўрта Осиё аёллари таълим-тарбия тизими тарихий тараққиёти
тенденциялари.....3

Саидова Барно Нарзуллаевна

Тенденции исторического развития системы образования и воспитания женщин
Средней Азии.....26

Saidova Barno Narzullaevna

Trends in the historical development of the system of education and upbringing of
women Central Asia.....50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publication.....55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САИДОВА БАРНО НАРЗУЛЛАЕВНА

**ЎРТА ОСИЁ АЁЛЛАРИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ ТАРИХИЙ
ТАРАҚҚИЁТИ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Ped1669-рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси www.tdpu.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий
оппонентлар:**

Хақимова Муҳаббат Файзиевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Джураев Дусмурод Уралович
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги В2020.2.PhD/Ped1669-рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «__» ____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел. (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.:99871 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2022 йил “_____” _____ да _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Э.Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, пед.ф.д., профессор

Р.Г.Исянов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, пед.ф.н., доцент

Н.А.Муслимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда таълим тизимини ривожлантиришнинг методологик асоси сифатида педагогик фикрлар тараққиёти масаласи, таълим-тарбия соҳасида кўлга киритилган ютуқлар ва ўз ечимини кутаётган муаммоларни тадқиқ этиш устувор аҳамият касб этмоқда. Жаҳон таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва қонун-қоидалари мавжуд улар мамлакат анъаналари, одамларнинг дунёқараши, таълимга бўлган муносабат ва бошқа сабабларга кўра шаклланади. БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти таълим, фан, маданиятни ривожлантириш, таълимнинг ҳамма учун бирдай имконият доирасида бўлишини, аёлларнинг иш билан таъминланиши, моддий рағбатлантириш, ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш бўйича тизимли ишларни олиб бормоқда.

Жаҳоннинг таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ҳар томонлама ривожланган инсонни тарбиялаш, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳам Ўрта Осиё тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш, уни манбалар асосида илмий асослаш ва таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ривожланган мамлакатларда педагогик тадқиқотларни амалга оширадиган кўп сонли таълим муассасалари – Германия, Франция, АҚШ ва Японияда таълим-тарбия назарияси муаммолари марказ ва хусусий ташкилотлар, университет, педагогик тадқиқот марказларида шарқшунослик бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириб бориш билан ҳамоҳанг педагогика тарихини ўрганиш борасида инновациявий ислохотлар амалга оширилмоқда. Қадриятларимизни, маънавий-ахлоқий, фалсафий ҳамда педагогик меросимизни, халқ таълимининг шаклланиш ва ривожланиш тарихини асл манбалардан ўрганиш, педагогика назарияси ва тарихи кўламини объектив маълумотлар асосида бойитиш, педагогик тафаккуримизни ривожлантириш имкониятини янада кенгайтиришнинг методологик асослари яратилди¹.

Республикамизда сўнги йилларда таълим муассасаларида Ўрта Осиё халқларининг ўтмишини ўрганиш ва унда аёлларнинг тутган ўрни, мақоми ва албатта, маърифати даражасини аниқлаш, ўша даврнинг маданияти ва маънавиятини ҳам белгилашнинг ҳуқуқий асослари яратилмоқда. Бугунги кунда “Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежи битирувчи қизларининг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш”² устувор вазифа этиб белгиланган. Шу ўринда, бугунги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995 – сон Қарори.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4749-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида илова, 4.2-банди

Марказий Осиё аёлининг жаҳон миқёсида топаётган шухрати, уларнинг илм соҳасида, иқтисодиёт, маънавий-маърифий соҳада қилаётган меҳнатлари, юрт тараққиётига қўшаётган сезиларли ҳиссаларини алоҳида таъкидлаб, аёлларнинг ўтмишда ҳам шундай аждодлари борлигини фахр ва ғурур туйғусига айлантирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2995 – сонли Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4749-сон “Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2018 йил 27 июндаги ПҚ-3808-сон “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” қарори аёлларнинг жамиятдаги мавқеини кўтариш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинган ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрта Осиё маърифатпарварлиги тарихи ва жадидчилик даври ҳамда улар вакилларининг фаолияти ҳақида Ўзбекистонлик педагог олимлардан А.Зуннунов, С.Нишонова, К.Ҳошимовлар томонидан ёзилган дарслик, ўқув қўлланмалар, монографик рисоалар, диссертациялар ва даврий матбуотларда нашр этилган мақолаларда муаммонинг маълум бир қисмлари қамраб олинган. Марказий Осиё халқларининг Шарқ уйғониш даври маданияти, миллий қадриятлари ва мутафаккирларнинг илмий мероси, уларнинг тарбиявий аҳамияти каби масалалар таниқли олимларимиз У.Алеуов, Ж.Йўлдошев, О.Мусурмонова, С.Нишонова, Н.Ортиқов, М.Салаева, Ж.Ҳасанбоев, Н.Эркабоева, Б.Қодировлар томонидан тадқиқ этилган, “Педагогика фани концепцияси”да педагогика тарихини янгича контекстда даврлаштириш масаласи Р.Жўраев, Х.Ибрагимов, Р.Сафарова, С.Турғунов, Ш.Қурбоновлар ишларида ўрганилган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида ушбу тадқиқот доирасида аёлларнинг қадимги даврлардаги мақомига оид библиографик маълумотлар, асл манбалар диққат билан ўрганилди. Жумладан, шарқшунос-тарихчи олимлар В.В.Бартольд, И.С.Брагинскийларнинг илмий тадқиқотлари,

З.Абдирашидов, Б.Г.Гафуров, В.Кочаров, А.Мухтаров, Н.Остроумов, А.Расулов, М.Қодироваларнинг монографиялари ва асарларидан олинган маълумотлар ҳамда далиллар ташкил этади, форс ва дари тилларидаги Маҳди Ободий, Раҳмоний Могаҳларнинг асарларида берилган қимматли маълумотлар таҳлилий нуқтаи-назардан кўриб чиқилди.

Хорижий давлатларда шарқшунос олимлар Marienna Kamp, Shabbir Ahmad, Michell Li Folk Regina, Farzana Munларнинг асарларидан ҳам фойдаланилди Allworth E., Khalid A., Halim Kara, Richard A. ¹.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университетида 2017-2019 йилларда бажарилган “ПЗ-20170923121 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Ўрта Осиё аёллари таълим-тарбия тизими тарихий тараққиёти тенденцияларини ривожлантириш босқичларини очиб бериш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хотин-қизлар таълим- тарбияси тизимининг антик даврдан бошлаб XX асрнинг 20-йилларигача бўлган даврда шаклланиши ва ривожланиш босқичларини ва шу асосда аёллар таълимининг ижтимоий-педагогик жиҳатларини таҳлил этиш;

аёллар таълими-тарбиясини такомиллаштириш босқичларини ўрганиш асосида қадимги замонларда аёллар таълим-тарбияси (зардуштийлик), ўрта асрларда аёллар таълим-тарбияси (ислом дини таъсири), янги даврда аёллар таълим-тарбияси, (рус-маҳаллий мактаблари ва жадидчилик), маърифатли аёлларнинг дунёвий таълимни ривожлантиришдаги ўрнини таснифлаш;

шарқ аёллари таълим-тарбияси масалаларининг педагогик имкониятларини, энг қадимги ёзма ёдгорликларда ифодаланган ғоялар, педагогик назариянинг мазмуни ҳамда турли даврларда таълим шаклларини, қиёсий таққослаш асосида кенгайтириш;

хотин-қизлар таълимининг тарихий тараққиёти бўйича педагогик фикрларни изчил тизимга солишга доир тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим муассасалари талабаларида Ўрта Осиё аёллари таълими тараққиётининг педагогик жиҳатларини ёритиш жараёни олинган бўлиб, Тошкент давлат педагогика

¹ Allworth E. Central Asia: A century of Russian rule. – New York and London: Columbia University Press, 1967. – P.221; Khalid A. Tashkent 1917: Muslim Politics in Revolutionary Turkestan // Slavic Review. – 1996. – No 2. – Vol. 55. – P.296; Khalid A. The politics of Muslim cultural reform: Jadidizm in Central Asia. – Berkley. 1998. – P.126; Khalid A. A secular Islam: Nation, state and religion, in Uzbekistan // int. J. Middle East Study. 35. USA. 2003. – P.600; Halim Kara. Reclaiming National Literary Heritage: The Rehabilitation of Abdurauf Fitrat and Abdulhamid Sulaymon Cholpan in Uzbekistan // EUROPE-ASIA STUDIES. – 2002. No1. – Vol. 54. – P.142; Richard A. Pierce Russian Central Asia 1867-1917 a study in colonial rule. – Berkley and Los Angeles: University of California Press, 1960. – P.261; Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Ч.П. – СПб, 1900. –С.105; Туркистоний Мусо, Улуғ Туркистон фожияси, - Мадинаи Мунаввара, 1979. – С.157.

университети, Наманган давлат университети ва Гулистон давлат университетида 518 нафар талабалар иштирок этган.

Тадқиқотнинг предметини Ўрта Осиё аёллари таълим-тарбия тизими тарихий тараққиёти тенденцияларини ретроспектив таҳлил қилишнинг шакл, усул, воситалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий-тарихий умумий тасаввур, фалсафий-тарихий адабиётлар, архив материалларини ўрганиш, умумлаштириш, тизимга солиш ва тавсифлаш; тарихий-қийосий таҳлил, педагогик тажриба, ижтимоий сўров (савол-жавоб, суҳбат, анкета ва бошқалар); математик-статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

хотин-қизлар таълим-тарбияси жараёнларининг ривожланиш босқичлари амалий ва миллий кадриятлар, ижтимоий ҳамда маданий омилларни ижтимоий-маданий, синергетик, феноменологик-аксиологик ёндашувларга хронологик мослаштириш асосида далилланган;

хотин-қизлар таълим-тарбияси тараққиёти адабий асарлардаги образлар ҳамкорлик-модулли, лойихаловчи-ривожлантирувчи, фаолиятли-педагогик жараёнларни холис баҳолаш ҳамда таълим жараёнини яхлитлаш асосида аниқланган;

хотин-қизлар таълим-тарбиясига оид энг қадимги ёзма ёдгорликларда ифодаланган тарихий ғоялар Шарқ аёллари таълим-тарбиясидаги табиийлик, ўзгарувчанлик ва ирсий жиҳатдан тадрижий ривожланиш тенденциялари аёллар таълими тарихининг мазмунли-жараёнли ва ташкилий-педагогик компонентларининг диалектик алоқардорлиги асосида аниқланган;

хотин-қизлар таълимнинг тарихий-концептуал интерпретацияси воқеликда амалга ошишини талаб қилган шарт-шароитларнинг тўлиқлигини, тарихий контекстини, дидактик талқини мазмун ва моҳиятини мантикий-илмий ёндашув асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Авесто ва бошқа ёзма манбаларни таҳлил қилиш асосида антик даврларда аёллар таълим-тарбияси шаклланиши, ривожланишининг таърифи ҳамда ёритилиши асослаб берилди, археологик ёдгорликлар, ёзма манбаларни ва адабий асарлар таҳлили асосида ўрта аср аёлларининг таълимий ва маҳорат даражаси ўрганилган;

педагог олим ва алломаларимизнинг хотин-қизлар таълими тўғрисидаги педагогик ҳамда ахлоқий таълимотлари, ривоят ва ҳикоятларининг таҳлили тақдим этилди, ўрта асрлар меросини педагогик таълимот тушунчаларининг таҳлили асосида таълимнинг шаклланиши, ривожланишининг асослари аниқлаштирилди;

қадимги ва ўрта аср аёллари мактаб таълимнинг ёритилиши, ўқишнинг асосий йўналишлари алоҳида изоҳлаб берилган;

чор Россиясининг рус-маҳаллий мактабларини яратишда тутган ўрни ва аёлларнинг дунёвий таълим олиш учун илк имкониятлари ёритилди;

янги усул мактабларини яратиш ва жаидчиликнинг аёллар таълимини ёритишига таъсири кўрсатиб берилган;

қизлар мактабларининг биринчи ўқитувчилари (отинойилар, отинбибилар) маърифатли аёлларнинг янги замон ўзгаришлари жараёнларидаги роли ва уларнинг аёллар таълими учун курашлари ҳақида маълумотлар (таҳлили амалга оширилган) ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти назарий хулосалар ва методологик ёндашувларнинг ишлаб чиқилиши билан белгиланади. Ушбу илмий ишда антик замонлардан ҳозирги замонгача бўлган аёллар таълим-тарбияси тарихига оид энг қизиқарли маълумотларни қайта тиклашга, шунингдек, шарқона тарбия тамойиллари ва анъаналарига доир яхлит қарашларни яратишга эришилган. Унда илм-фан нуктаи-назаридан аёллар таълимининг педагогик асосларини очиб бериш учун илмий-педагогик изланишлар умумлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ижтимоий-педагогик фаолият босқичлари, йўналишларининг аниқланганлиги “Умумий педагогика” фанининг “Педагогика назарияси ва тарихи”, “Оила педагогикаси”, “Ижтимоий педагогика” фанлари мазмунини назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта Осиё аёллари таълим-тарбия тизими тарихий тараққиёти тенденцияларини ўрганиш асосида:

антик даврдан бошлаб ХХ асрнинг 20-йилларигача бўлган даврда хотин-қизлар таълим-тарбияси жараёнининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари объектив тадқиқ қилиш ва унинг мазмуни ижтимоий-маданий, синергетик, феноменологик ва аксиологик ёндашувларни ўзаро яхлитлаш асосида аниқлашга оид таклифлар асосида “Педагогика назарияси ва тарихи” дарслигида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғига асосан берилган 237-225-сон гувоҳномаси). Натижада, хотин-қизлар таълими ва тарбияси тизимининг қамрови ҳамда даражасини ўрганиш имконияти оширилган;

Авесто ва бошқа ёзма манбаларни, археологик ёдгорликлар, адабий асарлар таҳлили асосида антик даврларда хотин-қизлар таълими ва тарбияси тизимининг шаклланиши ва уларнинг тараққиёти тайёргарлиги жараёни ҳамкорлик, модулли, лойиҳаловчи, ривожлантирувчи, фаолиятли педагогик таъсир воситалари таркибини уйғунлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-20170923121 рақамли “Шахс тарбиясида миллий хусусиятларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини такомиллаштириш” номли грант

доирасида белгиланган вазифаларни амалда бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 6 октябрдаги 02-07-2807/04-сон далолатномаси). Натижада, аёллар таълими ва тарбиясини такомиллаштириш босқичларини ўрганиш самарадорлигини оширишга эришилган;

Энг қадимги ёзма ёдгорликларда ифодаланган ғоялар ҳамда турли даврларда Шарқ аёллари таълим-тарбияси масалаларининг педагогик жиҳатлари мазмунли-жараёнли ва ташкилий-педагогик компонентларини уйғун оптималлаштириш асосида аниқлашга оид таклифлар асосида “Педагогика назарияси ва тарихи” дарслигида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31 майдаги 237-сон буйруғига асосан берилган 237-225-сон гувоҳномаси). Натижада, шарқ аёллари таълим-тарбияси масалаларининг педагогик жиҳатларини тизимли ўрганиш, энг қадимги ёзма ёдгорликларда ифодаланган ғоялардан тортиб, бугунги кунгача яратилган педагогик назарияларнинг мазмуни ҳамда турли даврларда таълим шакллари, таълим-тарбия воситалари, усуллари ва методларини аниқлаш ҳамда қиёсий таққослаш имконият яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 8 та мақола (шундан 5 таси республика ва 3 таси хорижий илмий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, илова ҳамда адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб ишнинг умумий ҳажми 145 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган ҳамда илмий-амалий аҳамияти, натижаларнинг ишончлилиги, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми масалалари ўз аксини топган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ўрта Осиё аёллари таълим-тарбияси тизимининг назарий-педагогик асослари”** деб номланган бўлиб, унда хотин-қизлар таълимига оид педагогик таълимотларнинг илмий талқини ҳамда уларнинг вужудга келишига сабаб бўлган педагогик омиллар ўрганилган.

Мамлакатимиз таълим муассасаларида Ўрта Осиё халқларининг ўтмишини ўрганиш ва унда аёлларнинг тутган ўрни, мақоми, маърифати даражасини аниқлаш, ўша даврнинг маданияти ва маънавиятини ҳам белгилашга замин яратади. Маданият ва маърифат доирасида аёлларнинг таълим кўрсаткичларини таҳлил қилиш педагогика тарихини ёритишда жуда катта аҳамиятга моликдир. Ҳозиргача аёллар таълими ривожланишининг барча босқичларини камраб олган яхлит, кенг қамровли, фундаментал тадқиқотлар мавжуд эмас. Қадимги Шарқ аёллари ҳаёти, таълим-тарбиясининг энг қадимий босқичлари ҳақида маълумотлар жуда кам. Шарқ аёллари қадим замонлардан бошлаб таълим-тарбия соҳасида ўзига хос анъаналарга эга бўлганликларига тахминлар қилиш учун тарихий маълумотлар, архелогик топилмалар ва бошқа бирламчи манбалар анчагина йиғилган. Ушбу ривожланиш диалектикаси аёллар таълими тарихининг педагогик жиҳатлари умумий педагогиканинг ажралмас қисми ҳисобланиб, Ўрта Осиё халқларига тегишли маълумотлар фан томонидан ҳамон тўлиқ ўрганилмаган.

Бугунги замон ривожланиш манзарасига назар ташланса, унда ўтмиш тажрибаси, аждодларимиз қолдирилган бой маънавий мерос сабоқлари, ўзининг ўрнига эга эканлигини кўриш мумкин. Шу маънода, бугунги таълимнинг ўтмишдаги мазмун-моҳияти, жамият ҳаётидаги ўрни ва энг муҳими қадим замонларда аёллар таълимига бўлган эътибор, эҳтиёж қандай эканлиги, илм доирасида катта аҳамият касб этмоқда.

Мустақилликни қўлга киритишимиз нафақат эркинлигимизни, балки тарихимизни ҳам қайта тиклаш ва уни борлигича ўрганиш, буюк аждодларимиз қолдирган маънавий меросимизни келгуси авлодларимизга тақдим этиш имкониятини яратиб берди. Бугунги кун тарихчи ва педагог олимларимиз изланишлари натижасида тарихда эркаклар сингари хотин-қизлар ҳам сезиларли из қолдирганлигини илмий асослашга ҳаракат қилмоқда, уларнинг очилмаган қирраларини, ўрганилмаган жиҳатларини илмий талқин этиш билан биргаликда, таълим мазмунига сингдириш ҳамда илмий манбаларни ўрганиш асосида дарслик, қўлланма ва методик тавсияномалар яратиши заруратга айланмоқда. Хотин-қизлар таълими мавзусини ёритишда мавжуд дарслик ва қўлланмаларда жуда кам маълумотлар келтирилганлигини кўришимиз мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақилликга эришгунга қадар олий ўқув юртларининг тегишли йўналишларда “Педагогика тарихи” фани ўқитилар эди. “Педагогика тарихи” курси бўйича ёзилган дарсликлар ва қўлланмаларда жаҳон тамаддунида ўзига хос ўрин эгаллаган ўзбек халқининг педагогик мероси ҳақида, хотин-қизлар таълими тараққиёти ҳақида жуда қисқа маълумот берилган, уларнинг ўзига хос хусусиятлари етарлича очилмаган, аксинча, шарқ аёлига нисбатан “саводсиз” деган ғоя остида қарашган. “Педагогика тарихи” курсининг мазмуни мафкуравий талаблар асосида танланган ва баён этилган. Афсуски, ҳозиргача ҳам хотин-қизлар таълимининг тарихий тараққиётини аниқ, тизимли ўрганилган тадқиқот ишлари ва адабиётлар йўқ. Мавжуд дарслик ва қўлланмаларимизда ҳам бу мавзу

доирасидаги маълумотлар қисқа ёритиб ўтилган. Ушбу муаммо, қадимги даврлар аёллар таълими тарихи билан боғлиқ бир нечта хулосавий ва мавзуй тадқиқотларда маълум даражада акс эттирилган. Ушбу мавзу фаннинг филологик тарихи нуқтаи-назаридан кўриб чиқилган тадқиқотлар ва нашрлардан ташқари, аёллар таълим-тарбияси тарихини холис ва объектив ёритадиган бошқа монографик тадқиқотлар мавжуд эмас.

“Педагогика тарихи” ўқув қўлланмасида Темурийлар даврининг улкан илм-фан туркий адабиёт ва санъат намояндалари ҳамда сарой маликалари учун очилган мактаблар, саройнинг катта маликаси Сароймулкхоним ҳақида тўхталиб ўтилган. Ушбу тадқиқот ишида Темурийлар давридаги фан ва маданиятнинг ривожланишида аёлларнинг ўрни, уларга берилган имкониятлар, темурийзодалар таълим-тарбиясида Сароймулкхонимнинг ўрни, соҳибқироннинг таълим-тарбия масаласига бўлган муносабати ҳамда олиб борган салмоқли ишлари тарихий далиллар ва асарлар таҳлили орқали изоҳлаб берилган, Саломат Темурова, Раҳима Мавлонова, Ойша Тўраеванинг илмий ишларида сўнгги йилларда мустақиллик даврида маориф ва педагогика фанининг тараққиёти ҳақида фикр юритилади. Тадқиқот ишида ўтмишдаги аёл намоёндалар ва қайсидир жихати билан из қолдирган аёллар ҳақида маълумотлар келтирилган. Масалан, Эрон шоҳи Кайкубоднинг Пуриин исмли қизи “Авесто”нинг мингдан зиёд саҳифаларини тўплаб, паҳлавий тилига таржима қилишга муваффақ бўлган замонасининг энг ўқимишли аёлларидан бири бўлган. Фарухру исмли яна бир аёл ўзининг ақл-заковати ва илм-фан соҳасидаги интеллектуал қобилиятлари билан қирол саройида хизмат қилиш шарафига эришган ва биринчи аёл-вазир бўлган.

Манбаларда Ирдабама исмли аёл ҳақида, унинг V асрларда катта тўқимачилик ҳамда ип йигириш ишларини ривожлантириб, минтақада тадбиркор аёл сифатида танилганлиги ва ўз ишини бир неча аёллар билан бошлаб, кўп аёллар ўз фарзандлари ва ҳатто оилалари билан бирга ишлайдиган катта хўжалик раҳбарига айлангани ҳақида кўплаб ривоят ва ҳикоялар мавжуд.

Қадимги Ўрта Осиёда қизлар ва аёллар жисмоний тарбия мактабида яхши таҳсил олишган. Улар қиличбозлик, отда югуриш, камондан ўқ отиш ва эркаклар билан курашиш маҳоратига эга эдилар. Ўзлари билан ҳарбий зирҳларни олиб, ўз вақтида ҳарбий кийимда ўтирган ҳолда, эркаклар сингари ўз ерларини ҳимоя қилиш учун чиқиб кетишлари мумкин эди. Худди шу маънодаги фикрнинг исботини бир манбада шундай келтирилган: Дарявахушнинг Истотиро исмли қизининг жасорати кўплаб эркакларни қийин аҳволда қолдирар эди. Қир II-нинг хотинларидан бири Аспосиё подшоҳ полкининг жасур ва эпчил аёл қўмондони эди.

Манбаларда Хушёршоҳ бошчилигида кема капитани бўлиб хизмат қилган Ортмис исмли аёлнинг ёзувлари мавжуд. Айни пайтда кўплаб аёллар раҳбарлик лавозимларида ишлагани таъкидланган. Масалан, Понтий исмли жасур қиз қўшинни бошқарган.

Қуръони Каримда Фиръавннинг хотини Осия ёки Ҳазрат Марям каби буюк аёлларнинг намуналари шундай ишончни вужудга келтирадиким, инсоният йўлида юксалиш ва ривожланиш фақатгина эркакларга хос эмас, балки аёллар ҳам камолот чўққиларига етиш учун сай-ҳаракат қилишлари мумкинлиги яққол ифода этади.

Маълумки, буюк пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг кўп йиллар давомида муҳаббат ва дўстлик билан бирга яшаган қирқ ёшли Ҳадичадан тўрт қизи бор эди: Руқайя, Зайнаб, Умма Гулсум ва Фотима. У, айниқса, бувиси, марҳум отасининг онаси ва тирик Абу Толибнинг онаси ва Ҳадичанинг онаси шарафига номланган кенжа қизи Фотимага нисбатан ўзгача меҳр-муҳаббат кўрсатар эди. Тадқиқот ишида Ислом пайғамбарининг аёлларга муносабати, уларни асраб-авайлаш кераклиги, улар ҳам илм олиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларига алоҳида тўхтаб ўтилган.

“Умумий педагогика” дарслигида қизлар мактаби ва унда таълим мазмуни ҳақида сўз юритилади. Шу жумладан, ўзбек диёрида отинлар мактабининг йирик намоёндаларидан бири Жаҳон Отин Увайсий, Нодирабегимларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот бериб ўтилган. Тадқиқот ишида жаҳидчилик ҳаракати давридаги мактабдор аёллардан Дилшоду Барно, Тўтиқиз, Ҳайринисо, Баҳринисо, Анбаротун, Жаҳон Отин Увайсий, Нодирабегим ва улар томонидан очилган қизлар мактаблари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Бундан ташқари, уларнинг асарлари орқали ўша даврдаги таълим-тарбия мазмуни очиб берилди.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Ж.Бозорбоев ва педагогика фанлари доктори, профессор Ў.Алеуовларнинг педагогика институтлари ва университетларининг талабаларига қадимги даврдан ҳозирги кунгача ўзбек халқи таълим-тарбия тарихининг шаклланиши ва ривожланишини ўрганишни мақсад қилиб қўйган “Мовароуннахр халқлари педагогикаси” фанининг дастури тузилган бўлиб, унда талабаларга Ўзбекистонда педагогик тафаккурнинг энг қадимий даврдан бошлаб шу кунга қадар шаклланиши ва ривожланишини ўргатиш назарда тутилган, аммо бу дастурда ҳам хотин-қизлар таълимининг тараққиёт босқичлари алоҳида мавзу сифатида киритилмаган. Тадқиқот ишида “Гендер педагогика” фанини педагогика олийгоҳларида фан сифатида киритиш таклиф сифатида берилди. Фан дастури мазмунига аёллар таълими генезиси ҳақида мавзулар берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, “Ўзбек педагогикаси тарихи” ўқув қўлланмасида Ўрта Осиёдаги ижтимоий ва маданий ҳаёт, мактаб ҳамда педагогик фикрлар турли даврларда қандай шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу тадқиқотда эса, турли даврларда айнан хотин-қизлар таълимининг тараққиёти ва ривожланиш босқичлари қиёсий жадвал орқали таҳлил этилган.

Тарихий давр нуқтаи-назаридан, маърифатпарварлик ва жаҳидчилик даври ҳамда улар вакилларининг фаолияти ҳақида, тарихий муаммо сифатида, кўп илмий изланишлар ва фундаментал тадқиқотлар амалга оширилган. Муаммо нафақат Ўзбекистонда, балки кўшни республикалар ва хорижда ҳам олимларнинг ўрганиш объектига айланган. Аммо, маърифатпарварлик

давридаги аёлларнинг аёллар дунёвий таълимини жорий этиш йўлидаги фаолияти ҳалигача мукамал ўрганилмаганича қолиб кетган. Бу борада муаллифлар З.Абдирашидов, В.Кочаров, А.Мухтаров, Н.Остроумов, М.Қодирова, А.Расуловлар томонидан ёзилган монографик рисолалар, диссертациялар ва даврий матбуотларда нашр этилган мақолаларда муаммонинг маълум бир қисмлари қамраб олинган.

Ушбу тадқиқот доирасида аёлларнинг қадимги даврлардаги мақомига оид библиографик маълумотлар, баъзи асл манбалар ҳам диққат билан ўрганилди. Жумладан, форс ва дари тилларидаги Маҳди Ободий, Раҳмоний Могаҳларнинг асарларида берилган қимматли маълумотлар таҳлилий нуқтаи назардан кўриб чиқилди. Шунингдек, инглиз тилидаги Европа ва Америка муаллифлари Shabbir Ahmad, Michelle Lee Folk Regina, Farzana Moon ва бошқаларнинг асарларидан ҳам фойдаланилди.

Ишнинг фундаментал асосини буюк шарқшунос-тарихчи олимлар, жумладан В.В.Бартольд, И.С.Брагинский, Б.Г.Гафуровнинг илмий тадқиқотлари, монографиялари ва асарларидан олинган маълумотлар ва фактлар ташкил этади. Шунингдек, мумтоз адабиётнинг фалсафий талқинлари ҳам тадқиқот методологияси сифатида танланди, чунки унда инсон, шу жумладан, аёллар тарбияси масаласи кўп асрлик тажрибалар асосида берилган бўлиб, унинг фундаментал ғоялари инсон шахсиятини ривожлантиришга, асосий муаммоларни ҳал қилишда педагогика фанининг ўрни ва мақомига устувор аҳамият беради.

Тадқиқот ишида Зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто” орқали ўтмиш аждодларимизнинг қадим тарихи, маданияти ва тафаккур тарзини ҳамда дастлабки таълим шакллари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ўрта Осиё халқларининг қадимги даврлардан қолган бой мероси деярли бутунлай халқ ижодига асосланган ва улар меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва адолатпарварликка бағишланган. Бу манзарани, аёллар энг яхши анъанавий қўшиқлар, гўдаклар учун аллалар, эртак ва афсоналар, кичик ва катта шеърларни авлоддан-авлодга ўтказишда асосий воситачи ёки боғловчи халқа бўлганликларини кўришимиз мумкин. Тадқиқот ишида Авесто ва бошқа манбалар асосида аёлларнинг зардуштийлик давридаги мавқеи аниқланиб, манбалар таҳлили асосида илмий версиялар келтирилди.

Буюк шоир ва гуманист Абулқосим Фирдавсий "Шохнома" достонида мардлик ва жасорат билан ҳеч қандай тарзда эркаклардан кам бўлмаган ва уларга қарши курашга чиққан кўплаб аёлларнинг образини яратган. Масалан, Гурдофарид аслида Рустам исмли қаҳрамоннинг қизи эди. Унинг бошқа қизи Бонуи Гуштосп Гевнинг рафикаси эди. Шеърда унинг исми ҳам тилга олинган. Унинг учинчи қизи ҳам бор эди Зарбону ва у ҳам жасорат бобида сингилларидан ҳеч қандай фарқи йўқ эди.

Массагет қабиласининг маликаси Тўмарис, Парфия халқининг қизи Родогун ҳақидаги Геродотнинг ҳикоялари, тарихчи Наршахийнинг 20 йил давомида араб босқинчиларига қарши донолик билан қаршилик кўрсатган

малика Хотун ҳақидаги ҳикояси аёлларнинг жисмоний тайёргарлиги, фаоллиги, ватанпарварлигининг ёрқин намунасидан далолат беради. Улар шахсан ўзлари жанг майдонига отларида қилич кўтариб, ўзларининг халқига ҳамдардлик билдириб ва майдонда жасорат кўрсатганлар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўрта Осиёда, айниқса, Ўзбекистон ҳудудида яшаган барча халқлар ҳаётида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи шўро ҳокимияти ўрнатилгунга қадар юқори бўлганлигини кўришимиз мумкин. Аёлларнинг турли даврларда фан ва маданиятнинг ривожланишига қўшган ҳиссалари салмоқли эканлигини тарихий манбалар ва адабий асарлар таҳлили асосида аниқлашга муяссар бўлдик. Бу муаммонинг педагог олимлар томонидан ўрганилиши ва илмий талқинига асосланиб айтиш мумкинки, мавзу долзарб, уни таълим мазмунига киритиш ҳамда улар ҳақидаги маълумотларни келгуси авлодга етказиш зарурлигига амин бўлдик. Ҳақиқатдан ҳам бугунги кун дарсликлари ва ўқув қўлланмаларида муаммо тизимли равишда киритилмаганлиги, ханузгача бу масала ижобий ҳал этилмаганлигини айтиб ўтишимиз зарур. Тарих ҳақидаги маълумотларнинг ҳалигача сукут сақланётганлиги, масалани аниқроқ ўрганиш ҳамда таҳлил этишни талаб этади. Зардуштийлик даврида улар фаолияти ва имкониятлари кенг бўлса, ислом дини таъсирида эса, улар баъзи ҳолларда эркакларнинг руҳсатисиз иш кўришлари чегараланганлигини, аммо илм олишга ҳеч қандай тўсиқ йўқлигига амин бўлдик. Ҳозирги даврдагидек дин турлича тарғиб қилинганлиги учун ҳам баъзи минтақаларда аёллар камситилганлигини аниқладик. Кейинги даврларда ҳам аёллар нуфузи анча юқори бўлган, шарқ уйғониш давридан бошлаб шўро ўрнатилгунга қадар улар юқори даражада эъзозланганлигини илмий асослашга ҳаракат қилдик. Хотин-қизлар таълими ва унинг ёритилиши бугунги кунга қадар муаммо сифатида қаралар эди, ушбу тадқиқот иши орқали биз маълумотларни мукамал ўрганиш ва шу асосда педагогика тарихини бойитиш назарда тутилган.

II боб **“Шарқда хотин-қизлар таълимининг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари”** деб номланган. Ушбу бобда инсоният пайдо бўлганидан бошлаб шўро ҳокимияти ўрнатилгунга қадар бўлган даврда Ўрта Осиё минтақасидаги таълим-тарбия жараёнининг ривожланиш босқичлари, таълим-тарбия мазмуни, айниқса, аёллар таълими ва тарбиясининг шаклланганлик даражаси босқичма-босқич ҳамда тизимли таҳлил этилди. Тадқиқот ишининг ушбу бобида турли даврларда хотин-қизлар таълимининг ривожланиш босқичлари қиёсий жадвал асосида таҳлил этилди ва илмий версиялар келтирилди. Ўрганилаётган қадимги даврда қизлар ва аёллар жисмоний тарбия мактаби, мусиқий санъат мактаблари катта аҳамиятга эга бўлган. Қадимги давр маърифат тизими, жинсидан қатъий назар, барчани илм-фан ва санъатга жалб қилишни қўллаб-қувватлаган. Ўрта Осиё халқларининг дастлабки аёллар бошчилигидаги оила мактаблари, Ўрта Осиёдаги энг қадимги аёллар маҳорат мактаблари, хусусан, бадий хунармандчилик ва бадий тасвир мактаблари асосий роль ўйнаган.

Диссертациянинг ушбу бобида турли даврлардаги таълим шакллари, усуллари, воситалари ва таълим мазмуни қиёсий ўрганилди (1-жадвалга қаранг).

Зардуштийлик давридан бошлаб ташкил этилган таълим муассасалари ва ундаги таълим-тарбия мазмуни, шакллари, усуллари, баҳолаш мезонлари ҳамда

т/р	Хронологик даврлар	Таълим- тарбия муассасалари	Таълим- тарбия турлари ва шакллари	Таълим- тарбия методлари	Таълим- тарбия воситалари
-----	--------------------	-----------------------------	------------------------------------	--------------------------	---------------------------


воситалари қиёсий таққосланди. Таҳлил асосида шу нарса аниқ бўлдики, ҳар бир даврда таълим-тарбия шу жамиятда яшаётган инсонларнинг яшаш тарзи, онги ва тафаккуридан келиб чиқиб ташкиллаштирилганлиги тарихий манбалар асосида таҳлил этилди.

Зардуштийлик давридан бошлаб аёллар таълими мазмуни, шакллари, усуллари ва воситаларининг бугунги кундаги таълим-тарбия жараёнининг ривожланиши учун қай даражада хизмат қилганлигини аниқлаш мақсадида “Зардуштийлик ва Ислом даврида таълим-тарбия тараққиёти ривожланишининг ташкилий-тузилмали модели ишлаб чиқилди (1-2-расмга қаранг).


1.	Зардуштийлик даври (Авесто даври)	Усталар уйи, устахоналар, дабистон ва дабиристонлар, касб-хунар мактаблари	индивидуал таълим, устоз-шогирд, рухонийлар мактаблари	Тушунтириш, тақдирлаш, танбех бериш, ман этиш	Зардуштийлик конуни
2.	Ислом даври (ислом динининг кириб келиши)	Масжид ва мадрасалар, эски мактаблар, хужралар, касб-хунар мактаблари	Индивидуал таълим, устоз-шогирд, «Тахтагона» «Абжадхона» «Ҳафтиякхона» «Қуръонхона»	тушунтириш, тинглаш ва эслаб қолиш, тақдирлаш, танбех бериш, ман этиш	Ҳафтияк, Чор китоб, Қуръони Карим, Ҳадиси шариф
3.	Шарқ уйғониш даври (биринчи ренессанс даври)	Устозлар уйи, эски мактаблар, хужралар, диний мактаблар, масжид ва мадрасалар, касб-хунар мактаблари	гуруҳли (жамоали), устоз-шогирд мушкулот, фикх, куйи – (адно ёки ибтидоий), ўрта босқич – (авсат ёки рушдий), юқори, олий босқич – (аъло ёки икдадий)	Таҳажжи (Усули хижжо), Тадрис (Усули шарх) усули, тинглаш, ўқиш, ёд олиш, эслаб қолиш ва сўзма -сўз тақрорлашлар, кўргазмалилик	Ҳафтияк, Чор китоб, Қуръони Карим, Ҳадиси шариф, мутафаккирларнинг асарлари дарслик сифатида ўқитилган
4.	Темурийлар даври (иккинчи ренессанс даври)	Мадраса ва масжидлар, хужраларда жойлашган эски мактаблар, касб хунар мактаблари, устахоналар	гуруҳли (жамоали), устоз-шогирд масжид, мадрасалар бошланғич ва олий мактаблар, сарой мактаблари	тушунтириш, кўргазмалилик, баҳс-мунозара, ёд олиш, эслаб қолиш	Мухаммад с.а.в.нинг ҳикматлари; Қуръон шарҳи (тафсир); ҳуқук (фароиз), элементар арифметика ва хандаса
5.	Туркистон генерал губернаторлиги даври	1) рус-махаллий мактаблари; 2) черков мактаблари; 3) мусулмон мактаблари; 4) коллежлар; 5) гимназиялар; 6) рус-мусулмон мактаблари; 7) қозоқ мактаблари;	Индивидуал таълим, устоз-шогирд, синф-дарс тизими, гуруҳ билан ишлаш мактаб, масжид ва мадрасалар	тушунтириш, давра суҳбатлари, огзаки ва ёзма методлар, рағбатлантириш ва жазолаш	Қуръони Карим ва ҳадислар рус мактабларида дарсликлар, доска, ўқув қуроллари
6.	Жадидчилик характери даври (Миллий уйғониш даври)	1) янги усул мактаблари 2) рус-махаллий мактаблари; 3) черков мактаблари; 4) мусулмон мактаблари; 5) коллежлар; 6) гимназиялар; 7) қозоқ мактаблари; 8) мактаб-интернатлар	Индивидуал таълим, устоз-шогирд, синф-дарс тизими, гуруҳ билан ишлаш	Маъруза, семинарли, аудиториядан ташқари, синф – дарс, синфдан ташқари, мактаб ва мактабдан ташқари	Дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа адабиётлар тарихий ёзма манбалар, ёзув тахтаси, тарихий ёзма манбалар

1-жадвал.

Турли даврларда таълим-тарбия шакллари, методлари, воситалари, ва хотин-қизлар таълими тараққиётини ривожланишининг қиёсий таҳлили



1-расм. Авесто даврида хотин-қизлар таълим-тарбияси ривожланишининг модели.



2-расм. Ислом даврида хотин-қизлар таълим-тарбияси ривожланишининг модели.

Тадқиқот давомида Ислом таълимотининг аёллар таълимига таъсири ўрганилган бўлиб, бунда зардуштийликдан кейин Ислом динининг кириб келиши ва минтақадаги вазият ҳамда аёлларга муносабатнинг ўзгариши ҳақида баён этилган. Ислом дини аёл кишини илмли, маърифатли бўлишга буюради. Тарихдан маълумки, аёллар ҳам айнан ислом дини раҳнамолигида илм-фан ва маънавиятнинг энг юқори даражасига кўтарилганлар. Бинобарин, аёллар таълим ва тарбиясига ислом динининг муносабати, эътибори ҳақида мулоҳаза юритганда, баъзан нотўғри, ноўрин фикрларга дуч келиш мумкинлиги алоҳида таъкидланади. Аслида эса, ислом таълимотида айнан шу масалада салбий муносабат йўқлиги айтилган бўлиб, реакция, мутаассиб кўринишда тарғиб этилган жойларда, ислом никоби остида аёллар кўп ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум қилинганлиги манбалар таҳлили асосида ёритилган.

Ўрганишлар натижасида Шарқ уйғониш даври ва жаҳон цивилизациясида ўз ўрнига эга бўлган Темурийлар даврида, илм-фан, маданият ривожланиб ўзига хос ренессанс вужудга келган. Амир Темур Мовароуннахр ва Хуросон ўлкаларида давлат идораларини мустаҳкамлашда ва уни бошқаришда, ободонлаштиришда, темурий шаҳзодаларни тарбиялашда “унинг хотинлардан энг муқаддами ва баркамол Катта Малика (Сарой Мулк хоним)” Бибихонимнинг хизматлари чексиз бўлган. Соҳибқирон бу оқила аёлга набиралари, Шохруҳ Мирзо, Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзоларни тарбиялаш вазифасини ишониб топширган. У ўзининг мафтункор латофати, ёрга садоқати, доно ва ҳозиржавоблиги, чексиз инсоний фазилатларга эга бўлганлиги билан бошқа маликалардан ажралиб турган, шунинг учун ҳам Сароймулкхоним Амир Темурнинг ҳурмати, садоқатига сазовор бўлган.

Темурийлар оиласининг давоми бўлган юксак ахлоқий тамойиллар руҳида тарбияланган Бобур ва унинг ворислари эркаклар ва аёллар ўртасида билим олишга тўсқинлик қилмаганлиги сабабли, бу сулоладан мусулмон дунёсининг энг саводли аёллари авлоди етишиб чиққан, масалан: Гулбаданбегим, Гулруҳ Бегим, Бахши Бону Бегим, Салима Султон Бегим, Нуржаҳон Бегим, Жаҳоноро Бегим ва Зебуннисо Бегим. Уларнинг ҳар бири ёрқин ва бетакрор нур қолдириб, Ҳиндистоннинг илм-фани, адабиёти ва санъатининг равнақиға форс тилида ҳисса қўшди. Улар ўз даврининг етакчи ўқитувчилари томонидан тарбияланган ва кейинчалик улар ўзларининг ва бошқаларнинг фарзандлари учун ўқитувчи бўлишган. Ҳар бир билимли аёл ортида уларни тўғри йўлга бошлаган ўқитувчи ва мураббийлар турган.

Маърифатчилик ҳаракатининг замирида рус чоризмининг геосиёсий мақсадлари ортидаги ҳаракатлар, кейин, жамиятдаги миллий ўйғониш доирасида ҳаракатга келган кучлар умумий мақсад, яъни жамиятда маърифатни ривожлантириш учун интилишлари каби жараёнларнинг бир пайтда кечиши кўзга ташланади. Бинобарин, ушбу мавзунинг ёритиш давомида, албатта, Россия чоризми томонидан амалга оширилган фаолият ҳамда маҳаллий зиёлилар

томонидан илгари сурилган ғоялар ва ҳаётга жорий этилган ишлари кўриб чиқилади. Манбаларга кўра, ҳар иккала томондан ҳам маърифат нурлари учун кураш олиб борилар экан, таълим масаласи ва унинг доирасида аёллар таълимига эътибор тобора кучайиб бориши сезилади. Демак, аёллар таълим тарбияси ҳаётнинг долзарб масаласига айланиб, диний ва дунёвий таълимни замон руҳига мослаштириш зарурати замондошларнинг вазифаси бўлган эди.

